# ҚАЛБНИНГ БУЮК МЕЪМОРИ

## ёхуд яна ўқитувчи обрўси хусусида

(Боши 1-бетда)

Швецияда халқ таълимида аёлларнинг иштирокини 6 фоиздан оширишмас экан. Энди бир таққослаб кўринг-а, ўз инсонлик ҳуқуқини тўлиқ таниган ва керак бўлса талаб қилиб оладиган Европа келини билан улуғларимиз томонидан: «Қизим тушган жойингда еттидан етмишгача ҳамманинг кўнглини олгин, хизматини қилгин», деб қулоғига қуйилган Шарқ келинлари ўртасидаги тафовутни.

Нима демоқчиман: келинлар уй-рўзғор, оилавий ҳаётнинг уддасидан чиқадими ё китоб титиб, эртанги дарсга тайёрланадими? Ҳозирги мактаб жамоаларига бир назар солинг. Эркак муаллимларнинг тобора камайиб кетаётганини кўриб ачинасиз.

Мактабда икки жинс вакиллари ўқир экан, тарбиячи-муаллимларнинг ҳам эркак ва аёл бўлгани маъқул. Чунки ўзингиздан қолар гап йўқ, баъзан юқори синф йигитлари билан «ўғил болача» гаплашишга тўғри келиб қолади. Ёки қизларнинг ўзигагина айтиладиган гапларни эркак муаллим қандай қилиб айта олсин?

Демоқчиманки, миллат йигитлари орасида наҳотки унинг келажаги ҳақида бош қотирадиганлари йўқ. Қайдасиз, олов қалб йигитлар?! Қўлингизда етуклик шаҳодатномасини тутган ҳолда, маънавий бойликнинг нечоғлик умри боқийлигини ҳис қилиб, педагогика ўқув юртларида ўқиб, мактабга келадиган мард борми?

Кейинги пайтларда муаллимлик дипломи билан дорилфунундан тўғри мактабга эмас, бошқа соҳага ўзини уриб кетаётган ёшларни ёки касбни ташлаб кетаётган турли ёшдаги муаллимларни кўриб ўйга толаман ва беихтиёр шаҳрихонлик фидойи муаллим Мамажон Абдурасуловнинг бир давра суҳбатида айтган фикрини ёдга оламан.

«Муаллимлигимнинг дастлабки йилларида баъзи дўстларим: «Юрасанми 400 сўмга бошингни оғритиб, юр биз билан, маоши ҳам катта, даромади ҳам бор», - деб турли касбларга чорладилар. Мен кўнмадим, чунки касбимни чин дилдан севардим. Унинг озу кўпига, барча қийинчиликларига чидадим, натижада обрў-эътибор, эъзоз топдим».

Ҳа, азизлар, муаллимнинг қасрсифат уйи бўлмаслиги мумкин, лекин у энг муҳташам, энг олий кошонани ўз меҳнати ила ҳар бир шогирдининг қалбига қуради. Унинг жарақ-жарақ пуллари, машиналари бўлмаслиги мумкин. Лекин унинг энг асл бойлиги — маънавий олами бор. Жамият ҳамиша муаллимга муҳтож. Чунки у миллат равнақи, Ватан келажаги бўлган ёшлар тарбияси ила машғул. Шу сабабли ҳар бир муаллим қалбига, шуурига қуйидаги мисралар ҳамоҳанг бўлмоғи лозим:

Фидо этгум элу
юртимга,
Бор вужудим — жон
ила танни.
Мақсадим танитмоқ
жаҳонга
Ўзбекистон деган
Ватанни.

**Абдураҳим МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Асака туманидаги 26-мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими**

## «ИНСОНПАРВАРЛИК ҚУДРАТИ»

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятининг «Инсонпарварлик қудрати» мавзуидаги конференцияси 31 октябрь куни Женевада ўз ишини бошлади. Бир ҳафта давом этадиган ушбу анжуманда Женева Конвенциясига аъзо бўлган 188 мамлакатдан ҳукумат вакиллари иштирок этиши режалаштирилган.

Кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ривожлантиришдек эзгу фаолият эгалари учун бу халқаро конференция муҳим аҳамиятга эга.

Янги аср остонасида ўтаётган тадбирда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракати қуйидаги масалаларни муҳокама қилади:

1. Ҳаётий муҳим ҳисобланган ҳаракат аъзолари сонининг камайиб кетиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари.

2. Уруш асоратларидан аҳоли пунктларидаги тинч ҳаётни қандай қилиб сақлаш мумкин?

3. Ҳаракат қандай қилиб хавфларнинг ўзгарувчан муҳитида ўз фаолиятини мувофиқлаштиради?

14 та ишчи гуруҳи томонидан кўрилаётган шу ва шу каби масалалар доирасида учрашувлар, мажлислар ўтказиш кўзда тутилган.

**МУХБИРИМИЗ**

Istiqlol farzandlari

# УМИДЛАР КЎЗ ОЧМОҚДА

*Даставвал суҳбатдошларимиз ҳақида қисқача маълумот.*

*Зилола Саидова — Бухоро шаҳридаги 12- мактаб ва шу ердаги тиббиёт билим юртини тугатган. Сўнгра Бухоро Давлат университетининг хорижий тиллар филологияси факультети талабаси бўлган. 1997 йилдан «Умид» жамғармаси орқали АҚШдаги Индиана университетида журналистика ихтисослиги бўйича таълим олаяпти.*

*Хуршид Салимов — Тошкент Давлат Техника университетини тугатган. Американинг Техас штатидаги Эйнем университети магистратурасида ўқимоқда.*

*Зилола ва Хуршид билан шу йил августда «Камолот» жамғармаси Бухоро вилояти бўлимида танишгандик. Иккаласи ҳам ёзги таътилни уйларида ўтказаётган экан. Жамғарма мутасаддилари ташаббуси билан ташкил этилган «Умид»чиларнинг вилоят ёшлари билан навбатдаги учрашувига келишибди. Дунё кўрган, теран фикрли, билимдон ёшлар. Улар билан суҳбатимиз жуда мароқли кечди.*

— **Мана, сизлар дунёдаги энг ривожланган давлатнинг нуфузли университетларида ўқияпсизлар. Хўш, сизнингча, у ердаги ўқитиш тизимининг ўзига хослиги, афзалликлари ва ибрат олса арзийдиган жиҳатлари нималарда кўринади?**

Зилола Саидова: Америка университетларидаги таълим усули бизникидан бирмунча фарқ қилар экан. Масалан, у ердаги талабалар айрим мажбурий фанлардан ташқари бошқа фанларни мустақил равишда танлашади. Ўқув йили бошида профессорлар ўзларининг дарс режаларини талабаларга тарқатиб чиқишади. Унда мазкур фаннинг мақсади, уни ўзлаштириш учун керак бўладиган адабиётлар рўйхати келтирилади. Мабодо, режа бўйича бирорта савол туғилса, талаба белгилаб қўйилган профессорлик соатларида муаллимдан батафсил тушунтириш олиши мумкин. У ердаги шарт-шароитлар яхши даражада ташкил қилинган, аудиториялар энг замонавий компьютерлар билан тўлиқ таъминланган. Керакли ахборотларни бир зумда, ҳеч қийналмасдан топиш мумкин. Кутубхоналарида эса исталган адабиётларни учратасиз. Мен таҳсил олаётган Индиана университетида Марказий Евроосиё илмий-текшириш маркази ҳам фаолият кўрсатади. Бу соҳа бўйича у Америкадаги энг кучли илмий марказ ҳисобланади. У ерда талабаларга ўзбек тили ҳам ўргатилади. Мен марказга тез-тез бориб тураман. Бу ердаги кутубхонада ўзбек халқи тарихи, қадимий маданияти ва фольклор санъати ҳақида ҳикоя қилувчи адабиётлар шунчалик кўпки, уларни кўриб лол қолдим.

Хуршид Салимов: Америка университетларида талабалардан тортиб, ректор ва профессор-ўқитувчиларгача — ҳамма амалда тенг ҳуқуққа эга. Илм толибларига нисбатан адолатли ва холис бўлишга қаттиқ риоя қилинади. Шу ўринда бир воқеани айтиб берсам. Америкага боргач, дастлаб Техас штатининг Остон шаҳрида номзодлик илмий иши билан шуғулланаётган бир кишиникида маълум муддат яшаб, инглиз тилини пухта ўзлаштиришимга тўғри келди. Ҳамхонам ўз ишига жуда жиддий киришган, илмталаб одам экан. Иттифоқо, унга университетда навбатдаги топшириқни беришади. Аммо қанча ҳаракат қилмасин, ана шу мисолнинг жавобини сира тўғри чиқаролмайди. Охири топшириқ берган профессорга, мисолнинг шарти хато бўлса керак, деб айтади. Кафедрада текшириб кўришса, чиндан ҳам шундай бўлиб чиқади. Шундан сўнг декан бошчилигида барча мутасадди декан-ўқитувчилар ҳалиги аспирантнинг олдига келиб, ундан кечирим сўрашибди. Кўпчиликка бу жўнгина бир воқеа бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ўз хатосини мардларча тан олиш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

АҚШдаги олий ўқув юртларида талабаларга билим беришда назариядан кўра амалиётга кўпроқ аҳамият берилади. Мисол учун, компьютерлар билан боғлиқ дарсларда ўқитувчи дарс мавзусини қисқача тушунтиргач, дарҳол уни амалда кўрсатиб беради. Натижада ўтилган мавзу тўлалигича хотирангизда муҳрланиб қолади.

Ҳар йили Америка университетларининг рейтинг натижалари эълон қилиб борилади. Қизиғи шундаки, уларнинг барчаси маълум бир йўналиш бўйича кучли илмий базага эга. Масалан, Масачуссетсдаги Эмайти университети компьютер соҳасида етакчи ўринларда туради...

— **Америкалик талабалар билан у ерда ўқиётган ўзбек ёшлари ўртасида дарсларни ўзлаштириш, билимдонлик борасида тафовут сезиладими?**

Зилола Саидова: Биласизми, америкалик талабалар психология, археология, океанология сингари ижтимоий ва табиий фанларга кўпроқ қизиқишади. Аммо кўпчилиги аниқ фанлар бўйича унчалик кучли билимга эга эмас. Бизнинг университетда дунёнинг турли бурчакларидан келган талабалар ўқишади. Улар орасида Жанубий-Шарқий Осиё ва айниқса, МДҲ ёшларининг аниқ фанлардан чуқур билимга эга эканлиги яққол сезилади. Ҳамдўстлик мамлакатларидан борган талабалар билимдонлиги, дунёқараши кенглиги ва географияни яхши билиши билан ҳам ажралиб туришади. Бу гапни бежиз айтаётганим йўқ. Негаки, кўпчилик америкалик ёшлар географиядек қизиқарли фанни унчалик яхши билишмайди. Мисол учун, биз ўзга қитъада яшаб туриб, Жанубий Американинг бир бурчидаги Эквадор давлатини харитадан бемалол топиб беришимиз мумкин. Аммо уларнинг баъзилари ҳатто, ўз қитъаларида шундай давлат борлигиниям билишмайди. Сабаби — америкалик тенгдошларимиз университетда асосан ўзлари танлаган ихтисослик бўйича чуқурроқ билим олишга ҳаракат қиладилар. Боя айтганимдек, бошқа фанларни эса ихтиёрий равишда танлаб ўқишади. Умуман, АҚШдаги олий таълим тизими ҳам биздагидек бакалавриат ва магистратура усулига асосланган. Дастлабки босқичда умумий олий таълим берилса, магистратурада маълум йўналиш бўйича чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади.

Хуршид Салимов: Зилоланинг гапида жон бор. Уммон орти мамлакатида таҳсил олаётган бизнинг ёшлар аниқ фанларни ўзлаштириш борасида анча қобилиятли, тиришқоқ. Ҳатто Америка университетларига кириш учун абитуриентлар бизда еттинчи-саккизинчи синфларда ўтиладиган математика мисолларидан имтиҳон топширишларини кўриб, дафъатан ажабланган эдим. Бу билан америкаликлардан ҳар жиҳатдан устунмиз, демоқчи эмасман. Албатта, уларнинг ҳам ибрат олса арзийдиган, биз ҳавас қиладиган жиҳатлари етарли. Аммо назаримда, уларнинг энг катта устунлиги — мукаммал, замонавий шарт-шароитларга эга бўлган университетларда таълим олишларида бўлса керак. Мабодо, ўзбек талабалари ана шундай қулайликларга эга бўлсалар, илм бобида қисқа фурсатда америкаликлардан ўзиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боис юртимиздаги олий ўқув юртлари ҳам аста-секин замонавий ўқув қуроллари ва воситалари билан жиҳозланаётганлигидан хурсанд бўламан.

Мен америкалик бир киши билан суҳбатлашгандим. У қишлоқ хўжалиги бўйича етук мутахассис бўлиб, бир неча бор Ўзбекистонда ҳам бўлган. Ўша кишининг тан олиб айтишича, юртимизда саводхонлик даражаси юқори бўлиб (Америкада саводсизлар ҳали ҳам кўпчиликни ташкил қилади), илмий потенциал юқори экан. Агар ана шу потенциалнинг кучидан тўлиқ фойдаланиладиган тизим йўлга қўйилса, у соат механизмидай аниқ ишлаб, қисқа фурсатларда юртингизнинг тараққиёти жуда юксалиб кетади, дейди...

— **Зилолахон, Вашингтонда Президентимиз билан учрашган «Умид»чилар орасида сиз ҳам бор эдингиз. Ана шу учрашувдан олган таассуротларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

Зилола Саидова: Юртбошимиз билан Америкадаги Ўзбекистон элчихонасида бўлиб ўтган самимий суҳбат ҳаммамизнинг қалбимизда ўчмас таассурот қолдирди. У киши бизни чуқур билим ва тафаккурга эга бўлишга, келажакда мустақил Ватанимизнинг равнақи йўлида хизмат қиладиган етук мутахассислар бўлиб етишишимизга даъват этди. Чиндан ҳам, давлатимиз биз каби ёшларга шунчалик ғамхўрлик кўрсатиб, хорижда ўқишимизга имкон яратиб берган экан, ана шу ғамхўрликка жавобан муносиб кадрлар бўлиб, халқимизга, Ватанимизга хизмат қилишимиз керак.

— **Сўнгги савол: ўқишни тугатиб келгач, нима иш қилмоқчисизлар?**

Зилола Саидова: Америкадан қайтгач, бирорта газетада мухбир бўлиб ишлашни мўлжаллаб турибман. Шу мақсадда ҳозир Индиана университетида компьютерда газета саҳифалаш сирларини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиляпман. Фото-журналистикага ҳам жуда қизиқаман. Ишқилиб, бу ерда олган билимларимни ўзбек миллий матбуоти ривожига сарфлаш ниятидаман.

Хуршид Салимов: насиб этса, яна бир йилдан кейин компьютер тармоқларини лойиҳалаштириш ихтисослиги бўйича магистр даражасини оламан. Шундан сўнг ўзим таҳсил олган Тошкент Давлат Техника университетида талабаларга дарс бериш билан бирга, илмий фаолият билан ҳам шуғулланмоқчиман. Чунки мустақил Ўзбекистонимизнинг келгуси тараққиёти кучли компьютер тизимини яратишни тақозо этади. Ана шу ишга ўз ҳиссамни қўшиш умидидаман.

**Ғафур ЭШМУРОДОВ**
**суҳбатлашди**

Saylovlar — xalq xohish-irodasi

# СИЁСИЙ ФАОЛЛИК — ЗАРУРАТ

Мамлакатимизда кечаётган сайловолди жараёнларини кузатган киши сайловчиларнинг сиёсий жараёнда кечаги овоз берувчидан кескин фарқ қилишини яққол кўриши мумкин. Номзоднинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида билдираётган бугунги сайловчининг фикрлари ҳам бунга мисол бўла олади. Яъни унга қишлоққа газ тортиб бераман, кўчани асфальтлаб бераман дегувчидан кўра, давом этаётган чуқур ислоҳотларни, демократик жараёнларни, ҳуқуқий жамият сари интилишларни рўёбга чиқаришнинг бош омили — қонун яратувчиликда, унинг амалиётга жорий этилишида ўз сайловчилари хоҳиш иродасини ифода этгувчи номзодлар муҳимроқдир. Сайловчи биладики, демократик тузумда халқнинг, жамиятнинг эҳтиёжлари ҳуқуқий меъёрлар асосида қондирилади. Қонунларда ўша эҳтиёжлару истакларнинг ижобатига нечоғлик ўрин берилиши эртага депутат бўлгувчи бугунги номзодга боғлиқ. Мукаммал қонунларнинг яратилиши ва ижро этилиши ўз-ўзидан чекка қишлоқнинг газлаштирилишию кўчаларни обод бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг 31 октябрда бўлиб ўтган мажлиси якунларига кўра, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинди.

Демак, бугунги сиёсий жиҳатдан фаол бўлган сайловчи овози учун кураш, унинг тасаввуридаги депутат бўла олишни намоён этиш онлари бошланаяпти. Биз кузатишда давом этамиз. Қани бугунги номзод кечаги номзодлардан қандай фарқ қиларкин.

**Ф. КАРИМОВ**

Tadbir

# ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида ўтказилган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда «Соғлом авлод учун» журнали ходимлари, олимлар, Чарх-Камолон, Лутфий номидаги маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.**

**Мазкур тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар коллеж фаолияти билан танишар эканлар, бу янги турдаги ўқув масканида ўқувчиларга барча шарт-шароитлар мавжудлиги, ёруғ ва кенг синф хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан тўла таъминланганлигининг гувоҳи бўлдилар.**

**Анжуманни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова очиб, мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳотининг туб мақсади ёш авлоднинг ҳар томонлама уйғун камол топтириш экан, муаллимларнинг асосий эътибори ўқувчилар шахсий фазилатлари, улар дунёқарашини шакллантиришга қаратилиши зарурлиги хусусида тўхталди.**

**«Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири Муҳаммадали Қўшмоқов ёшларни маънавий жиҳатдан юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёслиги, улар маънавият тарқатувчилари эканини таъкидлади. Шу жумладан, «Соғлом авлод учун журнали» ижодий жамоаси ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни оғишмай бажаришга ҳаракат қилаётгани, хусусан, мамлакатимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш, таълим ислоҳотларини ёритиш борасидаги баракали меҳнати журнал саҳифаларида намоёнлиги шу фикр далили эканини билдирди.**

**Анжуманда сўзга чиққан нотиқлардан Чилонзор тумани «Соғлом авлод учун» жамғармаси таянч бўлими раҳбари Лола Қўчқорова, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият ва туризм институти доценти Саодат Йўлдошева, Лутфий номидаги маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳури Олимжонова қизлар тарбияси, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни борасида қизиқарли ва ибратли фикрлар билдирдилар.**

**Тадбир ниҳоясида коллежда таҳсил олаётган қизлар ва уларнинг муаллимлари ижросидаги концерт дастури йиғинга файзу тароват киритди.**

**Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА**

Fidoyilar



# ТАЪЛИМ ЙЎЛИДА ЙЎЛДОШ ЭГИЗАКЛАР



«Эгизаклар дунёга келган кундан эътиборан ана шу хонадонга улар билан бирга файз-барака, ризқ-насиба ва ҳурмат-эҳтиром кириб келармиш. Эгизаклар гўё «бир олманинг икки палласи» бўлиб, улар оналари қорнида ҳам, ҳаётда ҳам бири шод бўлса, иккинчиси ҳам шод, бири хасталанса, иккинчиси ҳам бетоб бўлиб яшармиш...» Хуллас, халқимиз орасида эгизаклар ҳақида бири-биридан қизиқ ва ажабланарли гап-сўзлар бор.

Мен косонлик Ҳасан ва Ҳусан Соибовлар билан суҳбатлашар эканман, дарҳақиқат, эгизаклар хусусида жуда қизиқ ўхшашлик ва ўзаро мосликларни эшитдим.

Раҳматли уста Умидилло ота ва Махфират аялар ҳам ана шу эгизакларни ўзларидан ўзга ҳеч кимга ишонмасдан, бирга едириб, бирга кийдириб вояга етказдилар. Эгизаклар мактабда ҳам бир партада ёнма-ён ўтиришиб, таҳсил олишди. Улар биргаликда олий маълумотли педагог ҳам бўлишди. Шундайин шарафли соҳада эгизаклар она юрти Косонда ўзаро елкама-елка ишлаб келишаётир.

«Ҳасаннинг кўнгли бўш, юмшоқ табиатли,- дейди Ҳусан Соибов ҳазил-мутойиба қилиб,- мен ҳаётга келган илк кунимдаёқ Ҳасаннинг йиғлаб турганининг устидан чиққанман... Тан олиш керак, айни кунда унинг елкасидаги масъулият меникидан кўпроқ. У Косон тумани халқ таълими бўлимининг мудири. Тумандаги 90 та мактаб, 1 та лицей-интернат, 25 та мактабгача таълим маскани ва яна мактабдан ташқари муассасанинг увол-савоби Ҳасаннинг елкасига юкланган. Тумандаги 4095 нафар ўқитувчининг фаолияти-ю 48112 нафар ўқувчининг келажаги учун у жавобгар...»

**— Сизда-чи, сизда масъулият йўқми? - сўраймиз Ҳусан акадан.**

— Нега? Менда ҳам масъулият катта. Мен директорлик қилаётган Форобий номидаги 1-мактабда айни вақтда 1746 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Уларга 130 нафар устозлар илму-одоб ўргатишаяпти. Мактабимиз нафақат туманда, қолаверса, Қашқадарё вилоятида ҳам ўз ўрнига эга. Барибир ХТБ мудирининг масъулияти жуда-жуда юқори-да...

«Ҳусанни мудом етаклаб умрим ўтаяпти,- дейди Ҳасан Соибов ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтариб.- Уни илк бор онамнинг қорнидан етаклаб тушган бўлсам, ҳали-ҳануз етаклаб юрибман... Буларнинг бари ҳазил. Мен ҳаётда Ҳусандан жуда кўп нарсани ўргандим. Ҳозир ҳам ҳар бир соҳада, айниқса таълим-тарбия соҳасида ундан ўрганаман...»

Гап шундаки, халқ Ҳасан ва Ҳусан Соибовларнинг ҳар иккаласини ҳам ўзига хос ҳурмат қилади. Уларнинг элу юрт олдидаги хизматларини тан олишади.

Ҳар иккала эгизакнинг ҳам ҳаёт йилномаларига назар ташлар эканмиз, уларнинг босиб ўтган умрлари давомида ўқитувчи, мактаб директори, туман ХТБ мудири, туман ҳокимлигининг масъул ходими каби ўта масъулиятли ва шарафли касбларни бажариб келишаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Доноларимиз инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Бу жуда-жуда ҳақ. Қаранг, Ҳасан ва Ҳусан Соибовлар ҳам ўзларининг 50 йиллик умрининг ярмидан кўпини ёшлар таълим-тарбияси йўлида ўтказишибди. Ниятимиз — халқ таълими йўлида ўзаро йўлдош бўлиб хизмат қилишаётган эгизаклар — Ҳасан ва Ҳусан Соибовларнинг ҳам барча орзу-ниятлари ушалсин!

**Абдували ОБИДДИН,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

Qaror va ijro

# ҚУЙИДАГИ ТАШАББУС

Мамлакатимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва мезонлари даражасига чиқаришга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да халқимизнинг азалий орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган. XX асрнинг буюк воқеаси, янги ҳужжати деб эътироф этилаётир. Энг қувонарлиси, жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлари томонидан таълим тизимининг Ўзбекистон модели илмий-назарий ва амалий жиҳатлари юксак баҳоланиб, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу маънода Навоий вилоятида ҳам халқ таълимини ривожлантиришга катта эътибор ва масъулият билан ёндашилмоқда. Айниқса, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасидаги муайян ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоят ҳокимлигининг қарори билан тузилган «Вилоятда халқ таълимини ривожлантиришнинг 1998-99 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури» ва махсус режа бунга яққол мисол бўла олади. Бу қарорнинг бажарилиши барча мактабларда давлат таълими стандартлари ва янги ўқув дастурларини синовдан ўтказишдан бошланган эди. Навбаҳор туманидаги 1-, 4-, Конимех туманидаги 10-, Қизилтепа туманидаги 14-, 15-, Навоий туманидаги 1-, Хатирчи туманидаги 12-, 22-мактабларда тажриба-синов ишлари муваффақиятли ўтказилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

1999-2000 янги ўқув йилида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини амалиётга тадбиқ этиш босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Жараёнда туғилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоят мактабларининг 1—6-синфларига тажрибали ижодкор ўқитувчилар жалб этилган. Жумладан, Навоий шаҳридаги 8-мактабдаги 1-синфларда янги дастур асосида таълим бериш бўйича вилоят тажриба-синов майдони этиб белгиланган.

—Вилоятдаги барча таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилига мўлжалланган янги ўқув режаси асосида таълим жараёнини муваффақиятли бошлаб юбордик, — деди вилоят ХТБ раҳбари Қурбонали Эргашев. — Жумладан, мактабларда давлат ўқув дастурларининг бажарилиши қаттиқ назоратга олинди. Шу билан бирга тегишли услубий-амалий ёрдам узлуксиз равишда кўрсатиб борилияпти.

Дарвоқе, ўқувчиларга асосий билим бериш манбаи ўқув дарсликлари бўлиб, бу борада ХТБда ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, «Ўқитувчи» ва «Ўзбекистон» нашриётларидан мактаб ўқувчиларига ҳомийлар ёрдамида 5 миллион 200 минг сўмга дарсликлар ва ўқув қуроллари етказилишида ХТБ мактаблар бўлими бошлиғи Б.Нортожиев, дарсликлар билан шуғулланувчи назоратчи Ж.Қурбоновларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Янги ўқув йилида барча таълим муассасаларини тиллар йўналишида дарсликлар билан таъминланиш қуйидагича якунланди:

Ўзбек мактаблари — 91,8 фоиз, рус мактаблари — 95,8 фоиз, қозоқ мактаблари — 85,3 фоиз, тожик мактаблари — 83,5 фоиз, қорақалпоқ мактаблари — 95,5 фоиз, туркман мактаблари — 85,5 фоиз. Бу кўрсаткич вилоят бўйича 92,5 фоизни ташкил этди.

Вилоят ҳокимининг вилоят халқ таълими ривожланишининг «1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури ҳақида»ги 1999 йил 21 январь К—19 сонли қарорига асосан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг 23199 нафарига, кутубхона жамғармаси ҳисобидан 219857 нусха дарслик ва ўқув қўлланмалар, ҳомийлар томонидан эса 104656 нусха дарсликлар билан бепул таъминланганлиги, таълим ислоҳоти ишларини ташкил этишга чуқурроқ ёндошилаётганлиги самараси кўриниб турибди.

Аммо вилоят халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатор камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мактабгача таълим ва тарбия соҳасида вилоят бўйича 305 та болалар боғчаси мавжуд бўлиб, уларга 31301 нафар бола жалб этилган. Бу кўрсаткич вилоят бўйича 28 фоизни ташкил этди. Бу камчиликлар Навоий, Нурота, Қизилтепа, Навбаҳор туманларида ҳали ҳам бартараф этилмаган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 20 февралдаги 40-буйруғига асосан 2—11-синф ўқувчиларининг асосий фанлар бўйича билим даражасини диагностик таҳлил қилиш суст бўлиб, бу борада таълимда давлат таълим стандартлари мониторинги ва унинг жойлардаги ходимларининг масъулият билан иш олиб бормаётганлигининг оқибатида Учқудуқ, Томди туманларида мактабни битирган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши ниҳоятда паст даражада қолмоқда.

Бинобарин, таълим ислоҳотларини изчил амалга ошириш шартларидан ҳисобланган ўқитувчи-мураббийларнинг ишга янгича ёндошиб, замонавий шакл ва услублар асосида ўқувчиларга билим бериш билан бирга ўз касб маҳоратини ошириш йўлида мунтазам шуғулланиб келаётган ижодкор устозларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Улар вилоятда жуда кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, Хатирчи туманидаги 54-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилрабо Йўлдошева, Конимех туманидаги 2-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Назира Ҳотамова, 10-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Чиннихол Ҳамдамова, Навбаҳор туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Манзура Эрназарова, Нурота туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Холбону Исроилова, Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Ольга Масловаларнинг республикадаги жонкуяр мураббийлар қаторидан жой олган. Бу эса ўқувчиларга, ўқитувчи-мураббийлар фаолиятига ҳаққоний баҳо берилганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқитишни замонавий тарзда ташкил этиш, таълим ва тарбияни узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш асосий вазифа экан, ёшлар тарбияси билан янада жиддийроқ шуғулланиш, ёшларни миллий ғоя асосида тарбиялаш таълим ислоҳотининг бош мезони эканлиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб берилган қоидаларни рўебга чиқаришда истиқлол инъом этган неъматларни қадрига етаётганлиги ҳамда уларнинг инсонийлик фазилатига айланаётганлиги республикамизнинг ушбу ҳудудида яққол кўзга ташланмоқда. Хуллас, айни кезда ВХТБ фаоллари халқ таълимини янада юқори босқичга кўтариш йўлида жиддий изланмоқдалар.

**Ўткир ПЎЛАТОВ**
**Навоий вилояти**

# АМЕРИКАДА КИМ ЎҚИЙДИ?

АКСЕЛС номи билан аталувчи Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка Ҳамкорлик Ташкилоти талабалар, аспирантлар, илмий ходимлар, инглиз тили ўқитувчилари билан бир қаторда ўқувчилар орасидан ҳам истеъдодлиларни танлаб, уларни АҚШга ўқиш ёки малака оширишга юбориш билан шуғулланади. АКСЕЛСнинг маълумот варақасида қайд этилишича, дастурлар очиқ мусобақа асосида ўтказилиб, уларда инглиз тилини биладиган барча қизиқувчилар иштирок этишлари мумкин. Наманган Давлат университетида яқинда океан ортига бориб ўқиш истагини билдирган ўқувчиларнинг иккинчи босқич танловлари бўлиб ўтди. Билимлар синовида Фарғона, Наманган, шунингдек, Андижон вилоятидаги ўрта мактаблар, янги турдаги ўқув муассасаларидан келган қарийб 500 нафар 9- ва 10-синф ўқувчилари қатнашдилар.

—Ҳамюрт ўқувчиларимиз синовлар жараёнида ўз билимларини яхши савияда намоён қила биладилар,- деди ЮНЕСКО ўқув жамоатчилик марказининг етакчи мутахассиси Тоҳиржон Раҳматов.- Уларнинг инглиз тилини мактаб ёшиданоқ дурустгина ўзлаштириб олганлари, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Эндиги навбат якуний учинчи босқич танловларига. Бу йил Ўзбекистондан АҚШга 50 ўқувчининг юборилиши режалаштириляпти. Кўриниб турибдики, хорижда ўқишни истовчилар сони кўп, танлов талаблари эса юқори. Мазкур ҳолат ўқувчиларни ўз устиларида янада чуқурроқ ишлашга даъват этади.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**




# «ЗАРБАСИ ТОҒНИ ОТАДИ...»

Маълумки, ҳар қандай дарё ҳам ўз-ўзидан бино бўлмайди. У баланд тоғлар бағридан сизиб чиққан турнакўз булоқлар, саноқсиз ирмоқлар қўшилувидан вужудга келади. Таъбир жоиз бўлса, «Алпомиш» достонини ҳам худди шундай дарёга менгзаш мумкин. Бунинг рад этиб бўлмас бир далили шуки, «Алпомиш» кўплаб вариантлардан иборатдир. Бу асарнинг бир қатор вариантлари алпомишшунослигимиз заҳматкашлари Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Тўра Мирзаев ва яна бир қатор олимлар тарафидан ёзиб олинган, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин замонанинг зайлига кўра, улар изчиллик топмади, давом эттирилмади. Шукрки, Ўзбекистон мустақиллиги «Алпомиш»нинг йўлини равон қилди. Қолаверса, достон яратилганлигининг 1000 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида ҳукумат қарори бу борадаги катта ишларнинг дебочаси бўлди.

Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Норалиевнинг 1998 йилда чоп этилган «Алпомиш юртга қайтди» рисоласида бу асарнинг Сурхондарёда яратилган вариантлари хусусида мулоҳаза юритилади. Адабиётшунос Тоштемир Турдиев «Алпомиш»нинг янги вариантини қисқа фурсат ичида Хўшбоқ бахши Мардонақул ўғлидан ёзиб олди ва у «Ёзувчи» нашриётида нашр қилинди. Филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов музработлик кекса бахши Қора Умировдан достоннинг яна бир вариантини ёзиб олди. Шунингдек, ушбу мақола муаллифи томонидан ангорлик Чоршанби бахши Раҳматуллаевдан достоннинг бошқа бир варианти ёзиб олинди ва уни нашрга тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда шуни ҳам айтмоқ керакки, ҳар бир вариант ўзига хос сифатларга, афзалликларга эга. «Гўрўғли» туркумига кирувчи достонлар каби «Алпомиш» достони ҳам ўзига хос баркамол туркумни ташкил этади.

Кекса бахши Чоршанби Раҳматуллаевнинг маълумотларига қараганда, Алпомиш ва унинг авлодлари тўғрисидаги достонлар ўттизтагача боради. Хусусан, Чоршанби бахши тилидан ёзиб олинган «Қўнғирёт» достони хотимасида шундай дейилади:

**Эшитдингиз Қўнғирётни,**
**Бургутдай темир қанотни.**
**Панжаси кескир пўлатни.**
**Қандай қилиб тугатайин,**
**Чексиз қудратли ул зотни.**
**Ҳаворлаган тўсиқ-бандни,**
**Соҳибқирон валламатни,**
**Яна еттита достони,**
**Пойлаб турибди навбатни.**

«Алпомиш» достонидан билмизки, Бойсари акаси Бойбўри билан аразлашиб, Қалмоқ юртига кўчади. Бошига не кулфатлар тушади. Унинг кунига яна эл-юрти, уруғ-аймоғи ярайди. Охири қариндошлар топишади. Барчиной билан кўпчилик қўнғиротлар яна Бойсун юртига қайтишади. Аммо Бойсари ўзининг худо берган қайсар феълидан қолмайди, қариндошлар билан юртига қайтмай, қалмоқ ўлкасида турғун бўлиб қолади. Бунинг боиси нима эди? Минг йиллар давомида куйланиб, сара бахшилар элагидан ўтган «Алпомиш»дай мукаммал достонда масала бу тарзда якунини топмай, очиқ қолиши мумкин эмас эди. Китобхон бунга «Қўнғирёт» достонида ойдинлик топади. Достонда шундай изоҳ бор: «Шундай қилиб, донг таратиб жаҳонда, эшитганлар дармонда, эшитмаганлар армонда, от солиб тоғнинг қатидан, ёвлар титраб ҳайбатидан, қўрқиб сиёсатидан, сурурли шиддатидан, алп бийлар авлодидан, Бойсари билан Бойбўри таърифин айтиб, ёшу қари тошқин эди. Бойсари ҳам ўзбек қўнғиротнинг зўри, Бойбўри акаси билан низо-жанжал қилиб, қалмоқ элига кўчиб кетган эди. Бойсари бой бадавлат бўлган эди, тўққиз хазинаси тўлган эди. Йўл-йўриқ сирларини билган эди.

Бош бобоси Шоҳ шайх Мардон авлиё назар солиб, васият қилганди: «Бойсари, Бойбўри аканг билан ораларингга совуқлик, низо-жанжал тушиб, сен аразлаб ўзга, қалмоқ юртига кўчиб кетасан. Олтмиш ёшингда ўғилли бўлиб, исмини Ётбой (Қўнғирёт) қўясан. Барчин қизингни Алпомишга берасан. Сен билан борган қавми-қариндошинг ўз юртига қайтади. Ўғлинг зўр паҳлавон, юртбоши бўлади», — деган эди.

Бойсари қалмоқда қолиб кетди, бошидан оғир-енгил, завқли-қайғули, шиддатли оғир кунларни ўтказди. Шоҳ шайх Мардон бобосининг ҳамма айтгани келди».

Демак, Бойсарининг қалмоқ юртида қолиб кетиши унинг тақдир-қисмати билан боғлиқдир.

Чоршанби бахши Бойсарининг ўғли Қўнғирёт ҳақида мароқли, хаёлларга бой, инсоний фазилатларга лиммо-лим бўлган достон куйлаган. Бу достонда адолат барқарор бўлган жойда тинчлик ва фаровонлик бўлади, деган ғоя бўртиб, қабариб туради.

Алқисса, асарнинг бош қаҳрамонлари Қўнғирёт, Бойсари қалмоқ юртида қоладилар. Бу юртга Алпомиш билан дўст тутинган Қайқубод подшолик қиларди. Бойсари илгариги бойлик мавқеида яшайди. Достонда бу ҳақда шундай дейилади: «Алпомиш Қайқубодни қалмоқ элига шоҳ қилиб, Тойчихон унга вазир бўлиб, Бойсари ҳам илдарлиилғовли дамларни ўтказиб, Қайқубод даврида яшнаб-яйраб, тинч, оромосойишта яшаб, қадимгидан ҳам ўктам, зиёд бўлиб, қўй-пода, йилқи-туясига Чилбир чўли тўлиб, иши ўнгидан келиб, мол-дунёси бечоғ кўпайиб, арғумоқдай эркин, беғам-беғубор бўлиб, завқ-қувончга тўлиб юрарди».

Қўнғирёт исмининг рамзий маъносини уруғидан, иккинчидан эса, қўнғиротлар юртидан узоқда, ёт элларда туғилгани билан изоҳлаш мумкин. Учинчидан, авлод-аждодлари адолат, ҳалоллик билан яшаб ўтганликлари учун унга ноҳақлик, зўравонлик бегонадир. Достонда Қўнғирётнинг халқ қаҳрамонига айланиши, юрт тинчлигини сақлаш, Эрон юртини золим подшодан қутқариш, қариндош-уруғлар билан топишув, мазлумларни қутқариш каби кураш ва фаолият жараёнида очиб берилган.

Қўнғирёт алплар авлодидан бўлганлиги ва тақдирида адолатпарварлик курашлари битилгани учун уни илоҳий бир куч қўллаб-қувватлаб туради. Тушида бош бобосини кўриб, жанговарлик ва паҳлавонлик сирларини ўрганади, қилич-қалқонини топиб олади.

Асарда Қайқубоднинг қизи Ҳуснигул билан Қўнғирёт ўртасидаги муҳаббат самимият билан тасвир этилган. Аммо бу дунё яхшилик билан ёмонликнинг, донолик билан жаҳолатнинг абадий курашига асослангандир. Шунинг учун ҳам бу икки ёшнинг соф муҳаббатидан маҳрум қилмоқчи бўлган кучлар юзага қалқиб чиқади. Натижада достонда ана шу муҳаббатни сақлаб қолиш учун интилиш, нодонликка, жаҳолат ва зулмга қарши курашга айланиб кетади. Қўнғирёт билан Ҳуснигулнинг турмуш қуриши ота-оналарининг ҳам орзу-ҳаваси эди. Буни улар ўзаро маслаҳат ҳамда ёшларнинг кўнглини сўраш асосида ҳал қиладилар. Фотиҳа тўйи ўқилиб, бошқа совчиларга қизнинг «боши берк» эканлигини айтилиб, қайтарилади. Аммо Эрон шоҳи Алжабирнинг тантиқ ўғли Шапойил барча инсоний удумларга оёқ тираб, «Ҳуснигулдан бошқасини олмайман», деб қонт ичади. Бу йўлда отасининг подшолик кучини ишга солишни мўлжаллайди. Муроса йўлини кўзлаган доно кишилар ёшлар ўртасига шарт қўйиш лозимлигини маслаҳат беришади.

Бойсари қалмоқ юртига кўчиб келганида ҳам унинг қизи Барчиной ана шундай алплар талашувида қолган ва охири Алпомиш қизнинг барча шартларини бажариб, унинг васлига етишган эди. Ҳолбуки, Барчин Алпомишга аталган, нон синдирилган эди. «Бу қиз шаръий менга аталган», деб тўй қилиб олиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо бу ерда мардоналик, жувонмардлик қарашлари устун келади, ёшлар куч синашув, беллашувга тушадилар. «Қўнғирёт» достонида ҳам ҳудди шундай вазият юзага келади. Қўнғирёт ўзига аталган, фотиҳа тўйи ўтган қиз учун, ўз муҳаббатини сақлаб қолиш учун шартларни бажаришга тушади.

Тойчихон вазир Алжабирнинг нодонлигини, уни жанг билан маҳв этиш мумкинлигини таъкидлайди. Аммо «... ҳар қандай оғзи ўйноқ, бетамиз, шумтакалар билан баробар бўлмай, ғавғо, жанг, қон тўкишларни жиловлаб, осонини қилиб, синов, шарт-гаров қилсак, афзал бўлар. Бу авлодга шарт билан уйланиш – мерос. Алпомиш ҳам шарт билан ёрини олиб кетди. Қўнғирёт ҳам қадди-қоматини, куч-ғайратини кўрсата олсин, гап-сўз йўқ, олам гулистон», дейди. Бу гап Қайқубодга маъқул тушади. Қўнғирётнинг бу можаролардан қаҳри тошади. Аммо ўйлаб ўзини босади. «Ҳа, бизга дуо кетган, Алпомиш акам ҳам осон уйланмаган. Оллоҳ мададкор бўлсин, иншоолоҳ, беллашиб кўрамиз. Майли, бу иш ҳам қулай, бехавф-жанжалсиз воқеа», дейди.

Алқисса, Ҳуснигул учта шарт қўяди: улардан бири — катта кўпкарида олти яшар буқа ташланади. Ана шу «улоқ»ни ҳалоллаб айириш керак. Иккинчи шарт: бўйи, эни ўн газ полвонтошни даст кўтариб, кўксига қўйиб туриш керак. Учинчи шарт: саксон газ баландликдан олтин олма уч марта отилади. Учовини ҳам бир киши олиши керак.

**Баробар қилдим яхши-ёмонга,**
**Талаб қилганинг келгин майдонга.**
**Уч шартимни уддалаб қилганга,**
**Мен тегаман шу алп полвонга, —**

дейди Ҳуснигул. Шу билан бирга у Қўнғирётнинг бу синовларда ғолиб келишига ишонади ва буни чин дилдан истайди ҳам.

Хуллас, шартларда қўйилган барча талабларни бажариш Қўнғирётга насиб этади. Достонда синов-беллашувлар қизиқарли тасвир этилган. Ўзбекона ҳалоллик, дангаллик равшан кўзга ташланади. Бироқ номард номардлигича қолади. Мусобақада биронта ҳам шартни бажара олмаган Шапойил яна ғирромлик йўлини тутади — ўзининг тор манфаатларини деб тинч қалмоқ юртига лашкар тортади. Шапойилнинг ғаразли мақсади халқ бошига битган бало, кулфат бўлади. Унинг лашкари таркибида етти яшардан етмиш яшаргача одамлар бор эди. Уларнинг нечови йўл азобини тортади, нечови жангларда ҳалок бўлади. Шапойил ҳам қилмишига яраша жазосини тортади. Золим Алжабир ҳам тахтидан ағдарилиб, адолатли Алмат мингбоши тахтга ўтиради.

Шундай қилиб, достонда ўзаро низожанжалларнинг таги пуч, бемаъни ғаразлар асосига қурилиши пировард натижада халқ бошига саноқсиз кулфат-азоб бўлиши ишонарли тарзда очиб берилган. Достонда бировга чоҳ қазиган кимсанинг охир-оқибат ўзи йиқилиши бадиий лавҳаларда чизиб берилади.

Достонда ўзбек тўйларининг ажойиб манзаралари ҳам чизилган.

Яна бир нарсаки, «Қўнғирёт» унутилмас соғинчлар ва ширин висол, дийдор достони ҳамдир. Унда тўй баҳонасида қариндошларнинг бир-бирлари билан учрашувлари самимият тўла сатрларда кўрсатилган. Бу ерда Қултой бобонинг янги сифатлари ҳам очилган. У юрт кўрган, давра кўрган, фаҳм-фаросатли, ишбилармон, тадбиркор, абжир ва чаққон, гапга чечан киши сифатида кўзга ташланади. У Қўнғирётнинг тўйига келиб, меҳмон сифатида давра тўрида ўтиради. Аммо ташқарида кўпкарининг шовқин-суронни иштиёқини қўзғайди. Ташқари чиқиб, шамоллаб келиш баҳонасида даврани тарк этади ва кўпкарига кириб ўзининг абжирлигини, чавандозлик сифатларини элга кўрсатади. Айирган совринларини яна қайтариб, кўпкарига қўшади. Кўпчилик унинг ғайратига ҳам, тантилигига ҳам тан беради.

Тўйга айтувчилар келгани ва унга Алпомиш бормоқчи эканлигини эшитиб, Бойбўри безовталанади. Достонда унинг Алпомишга оталик, Бойсарига акалик туйғулари, қалбидан кечган кескин қарама-қарши кечинмалар ишонарли тасвир этилган. У ота сифатида ўғлини қалмоқ юртига боришдан қайтаради. Не бўлса ҳам ота-да, ўғлининг бошдан ўтган савдолар ёдидан кўтарилмаган, боз устига қанча йиллар ўтган бўлса-да, ўша кўргуликлар ҳали-ҳамон унинг бағрини куйдирар эди. Бойсари гарчанд жигари бўлса-да, унинг қайсарликларидан нолийди. Унинг фикрича, душман душманлигини қўймайди. Ўтган курашлар, жангларда қалмоқларнинг не-не номдорлари ўлиб кетади. Уларнинг авлоди ўч олиш туйғуси билан яшаши ҳам табиийдир. Бойбўрининг мулоҳазалари тажрибасидан, ҳаётнинг аччиқ сабоқларидан келиб чиқади. Кўпни кўрган ота кексайиб қолган, ёлғиз фарзанднинг доғини қайта кўтара олмаслигини билади. Шунинг учун ҳам душманчиликлардан холи, хавф-хатардан чеккароқда юришни маъқул кўради:

**Тақир жойлар кўл бўлмайди,**
**Бузук сайҳон йўл бўлмайди.**
**Аслзодалар қул бўлмайди,**
**Текин келган мол бўлмайди.**
**Борма болам, қалмоқ сари,**
**Асли душман эл бўлмайди.**

Бойбўрининг фикрича, Бойсари ўта қайсар, охирини ўйламайдиган одам. Уни ҳеч ким элдан кет дегани йўқ, ўз бошига «ҳай-ҳайлаб», душман юртга «меҳр тайлаб» кетган. Хўш, у ерда шунча кулфат кўрди, қавм-қариндош қайтди, у ҳам қайтса бўлар эди-ку!? Орадан шунча йил ўтди, қизи келин бўлиб тушди, неварали бўлди. Лекин Бойсари бирор марта йўқлаб келмади. Бойсарининг ана шу қилмишларини акаси кечира олмайди:

**Унинг бағри қолган музлаб,**
**Ўз кайпига маст бўп бўзлаб.**
**Кетди ўзга элда кўзлаб,**
**Қалмоқ ийласин уни тузлаб.**
**Тошмеҳрдан мен ҳам кечдим,**
**Ўз бошига қочди аразлаб,**
**Диёнат, меҳр йўқ унда,**
**Бир келдими, невара, қизин сўраб?**

Лекин тўйга қариндошлар, албатта, боришлари керак. Шуни ўйлаб Бойбўрининг кўнгли юмшайди. Нима бўлса ҳамки, жигар-да. Тўйга борувчилар рўйхатига ўзини ҳам қўшади. Тўйга қариндошлардан тўрт киши борадиган бўлади. Улардан бири — «Кўктуғайдаги бобоси Қултой», иккинчиси — «Жиянимиз Бек Жиғали», учинчиси — «вазир Олтибек», тўртинчиси:

**Сенга маъқул тушар сўзим,**
**У эмчакдош, кўрар кўзим,**
**Кут-файзли бўлсин изим,**
**Тор қориндан талашганим,**
**Нима бўлса, эмчакдошим,**
**Бирга бораман ўзим.**

Достонда Қўнғирёт ҳаёти саргузаштларга бой, доимо яхшилик йўлида курашувчи сифатида кўзга ташланади. У Бойсун-Қўнғиротга бориб, қариндошларини кўриб қайтар экан, Мазлума кампир ва невараларини золим қароқчилардан қутқаради. Шу асосда Шом юрти подшосининг укаси билан дўст-биродар тутинади. Унинг ўз юртига келиб, Қайқубод қайнотасининг таклифи билан подшо бўлиши, тахтга ўтиргач, қайнотасининг адолатпарварлик анъаналарини давом эттириши бахши тарафидан баланд пардаларда куйланган.

Қўнғирётнинг хайрли ишларидан бири — эл фаровонлиги йўлида дарёдан канал тортиб, чўл ўзлаштиришларидир. Бу тадбир чинакам халқ ҳашарига айланади:

**Кийик завқи тов билан,**
**Сакраб қату зов билан,**
**Ботир савашар ёв билан,**
**Йўл лочини бедов билан,**
**Халқ учун савобли бу иш,**
**Олам гулистон сув билан.**

Достон якунида Қўнғирётнинг ўғиллик бўлиши, унинг Шоҳсамар деб исм қўйишлари тасвирланган. «Оти Самар бўлсин, ҳур-парилар хумор бўлсин, Қўнғироту қалмоқ белига камар бўлсин», деб ният қилишади.

Бахшининг фикрича, Сурхондарёдаги Таллашқон чўллари Алпомиш оти Кўкдунан билан талашиб, пойга қўйган жойлар, Бешқўтонда Бойсарининг қўйлари боқилган майдонлар. Унинг куйлашича, Қўнғирётнинг ўғли Шоҳсамар, Шоҳсамардан Шоҳсарвар туғилди. Шоҳсарварнинг Шоҳсаади исмли ўғли туғилади. Шундай қилиб, бу авлод ўз йўлида кўпайиб бораверади:

**Алпомиш авлодларини,**
**Зарбаси тоғни отади.**
**Айтаверсам адо бўлмас,**
**Изи уланиб кетади.**

Дарвоқе, Чоршанби бахши фавқулодда жўшқин шоир. Унинг маҳорати, шоирлик салоҳияти «Қўнғирёт» достонида яна бир карра бўртиб кўзга ташланади. Асарда ўйноқи сажълар, жозибали оҳанг, халқ донолигини ифода этувчи мақол ва ҳикматли сўзлар беҳисобдир.

«Қўнғирёт» достони — халқ оғзаки ижодиётининг дурдоналаридан бири саналади. У кишиларни ҳамиша яхшиликка чорлайди ва таъбир жоиз бўлса, унинг ўзи ҳам яхшилик, эзгулик қаъридан кўкариб чиққан бақувват бир достондир.

**Рўзиқул МУСТАФОҚУЛОВ,**
**Термиз Давлат университети доценти, филология фанлари номзоди**

Jaloluddin Manguberdi tavalludining 800 yilligi oldidan

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА МАНГУБЕРДИ ОМИЛИ



Ўзини англаган — дунёни, оламни англайди. Ўзлигини англаш уни инсон бўлиб туғилишга, инсон каби яшашга, ҳаётдаги тарихий ўрнини белгилаб олишга, жамият тараққиёти ва келажак олдидаги бурчини тушунишга даъват этади. Ана шундай буюк қадриятни, илоҳий туйғуни фақат истиқлол, озодлик бериши мумкин, холос.

Турмушимизда тафаккур танқислиги, ахлоқий ва руҳий боқимандалик, тушунчалар камёблиги сезилаётган бир пайтда тарихга нисбатан янгича муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилди. Зотан, жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтаётган, одамлар ҳаётида ва турмуш тарзида туб бурилишлар юз бераётган бир пайтда кишида тарихга юз буриш, ундан маънавий таянч излаш, ўзининг бу бўҳронли ҳаётда омонат эмаслигини, аксинча, илдизлари асрлар қаърига етиб борган мустаҳкам ва қудратли чинор эканлигини англаш зарурати сезилади.

Айниқса, буни ўзбеклардай ўтмиши инсоният тарихи билан тенгдош бўлган халқлар чуқур англайди ва чуқур тушунади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз маънавиятга катта эътибор билан қарайди. Ўтмишимизни қайта кўриб чиқиб, уни миллий қадрият даражасига кўтариб, бутунлай янги назар билан ғалвирдан ўтказишни кун тартибига қўймоқда. Бунинг муҳим асосларидан бири, навқирон авлодимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор, ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуларини кучайтириш. Буюк ўтмишга муносиб буюк миллат бўлиш, эртанги кунга катта ишонч ва истиқлолга эътиқод билан яшашни турмуш тарзига айлантиришдир.

Зотан, донишмандлар айтганидай, тарих — улуғ мураббий. У юз берган ҳодисаларидан келиб чиқиб сабоқ беради. Ҳаётда саракни саракка, пучакни пучакка ажратишга даъват этади. Агар тарихга шунчаки воқеалар баёни, ҳодисалар тафсилоти сифатида қаралса, унинг мураббийлик аҳамияти йўқолади. Нурсиз, ҳароратсиз, жозибасиз, киши руҳиятига таъсир этмайдиган бир нарсага айланади.

Тарих — тафаккур маҳсули. Ўтмишимизда юз берган ҳар бир ҳодиса маълум маънавий-руҳий, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида юз берган яхшими-ёмонми, эзгулик ёки ёвузликми, бундан қатъи назар, ҳар қандай ҳодиса, ўз даври кишиларининг қалби, онги, шуури, маънавий қудрати маҳсулидир.

Истиқлол бизга ўзлигимизни англаш имконини берди. Инсон ўзининг бутун моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди.

Ўзлигини англаган киши оламнинг бутун ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон қадру қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Демак, бевосита ички даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — миллий истиқлолнинг яна бир мўъжизаси.

Мустақилликнинг асосий қадриятларидан яна бири унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевосита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришдан иборат.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиш ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани учун бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан.

Халқ ёғийлар ўқига кўксини қалқон қилган қаҳрамонларини асло унутмайди. Аммо бетайин сиёсат, ёмонлардан яралган собиқ мафкура теран томирларни, асл ботирларни халқ хотирасидан ўчиришга, тарих саҳнасидан олиб ташлашга кўп уринади.

Тан олиш керакки, аксарият ҳолларда шунга эришди ҳам. Бироқ халқ «Ватанга қулчилик — шоҳона мансаб» деб билган ўз қаҳрамонларини қалб ардоғида сақлайди. Уларнинг муқаддас хотираларини дил тўрига жойлайди. Мозорларини тавоф айлаб тупроғини кўзга суртади.

Бизнинг Ватанимизга кимлар ҳужум қилмаган, кимлар талашмаган. Юртимизда ўз Ватанини севганлар, ҳимоясига бел боғлаганлар, озод эртасига умид қилганлар эса улардан-да бисёр ва ғолиб. Зеро, Жалолиддин бугун юртимизга қайтиб келди. Унинг улуғвор ниятлари ҳар бир қалбда куртак отиб Ватан мустақиллиги учун хизмат қилишга чорлайди.

Эсингиздами, Жалолиддин чигирткадай ёпирилиб келаётган ёғийга озгинагина қўшини билан қақшатқич зарба берган, халқ томонидан «мўғулни титратган киши» деб эътироф этилган кунлар... Ҳали бирор марта бўлсин, талофат нелигини билмаган душман дили вайрон бўлиб тадбир изларди. Унинг тузган тадбирлари ҳам шум ниятларидек мудҳиш ва қабиҳ эди. Жалолиддиннинг мардлигини, моҳир саркарда ва жасур жангчилигини нафақат ўз халқи, балки душманлари ҳам тан олган. Ўз навбатида маишатга берилган отаси-ю, хушомадгўй сарой аҳлидан фарқли ўлароқ, Жалолиддин ҳам Чингизхоннинг «бағоят зўравон ғаним» эканлигини эътироф этган. Ўз қаршисида турган рақибнинг кучи ва салоҳиятини тан олиш ҳам аслида мардлар иши. Аммо Чингизхон эътирофида мардликдан кўра кўпроқ ҳасад, армон, янаям тўғрироғи, алам ва ўкинч юзага қалқиб чиқади. Чингизхон ғазабига дучор бўлмаслик илинжида унинг беҳад кучли лашкарбоши, аксинча, Жалолиддиннинг эса «бир саҳро ўғриси» эканини важ қилган нўёнига Чингизхон шундай жавоб қилади.

Жалол қандай даҳшат,
Сен ўзинг иқрор,
Номини эшитсам мен
ҳам беқарор.
Дарёда наҳангдир,
саҳрода арслон.
Ҳайрият, у эмас
юртида султон.
Кўп ҳам таажжубдир
дунёнинг иши,
Яхши инъом олар
нолойиқ киши.
Хоразмшоҳ учун
шундай бир фарзанд,
Отаси на англар, на
бўлар хурсанд.
Оҳ, кошки тўрт ўғил
ўрнига фалак,
Менга бирин берса
Жалолиддиндек,
У гарчи душмандир,
аммо улуғ ёв.
Агар у қўлимга тушса
беаёв —
Ёриб кўкрагини
ичардим хунин,
Сўнг... тиз чўкардим
олдида унинг!

Бири иккинчисини инкор этувчи бундай қарама-қарши ўй-фикрларга боришга Чингизхонни нима мажбур қилдийкин? Наҳотки, сал кам ярим дунёни зеру забур қилиб келаётган мўғул қўшинининг енгилмас сардори саноқлигина сипоҳга эга бўлган Жалолиддиндан қўрққан бўлса? Ахир унинг на бошида тожи, на мустаҳкам тахти ва на-да ҳисобсиз қўшини бор. Аммо нима бўлганда ҳам, бутун дунёга эгалик қилиш ҳаваси билан ёнган Чингизхоннинг ундан қўрққани ҳақ-рост. Чунки Чингизхон ҳар қанча ёвуз ва даҳшатли одам бўлмасин, ақлсиз ҳам бўлмаган. Жалолиддин қалбидаги Ватанга бўлган бемисл садоқат, элу юртга муҳаббат туйғуси олдида унинг бутун дунёга эга бўлиш ҳаваси ожизлик қилишини яхши англарди. Мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай одам учун «сафарда туғилган, эгарда ўсган, қиличини ҳасса, тулпорини ўртоқ» деб билган, «кошонадан чодирини ортиқ кўрган» Жалолиддин тиғига бардош бериш чиндан ҳам мушкул савдо эди... Чингизхон ана шундай мушкул савдо қошида ноилож қолган дамларда Жалолиддин бошига ҳам ҳисобсиз ғавғо ёғилади. Мўғул босқинидан умидвор бўлган ғаламислар уни отаси Хоразмшоҳга ёмон кўрсатиб валиаҳдликдан мосуво қилишади. Аммо «эл-ўлка соғ бўлсин, тож келиб кетар» деган Жалолиддин бундан тушкунликка тушмайди. Юрт мудофаасида отага ўхшамаган ўғилнинг исёни Жалолиддин юрагини бир ўртаса, беомон ёв Ватанга бостириб келаётган бир пайтда ўз онасини қутқариб қола олмаслиги унинг қалбини минг бор ўртайди. Жалолиддин учун Ватан ҳам она каби азиз ва мўътабар. Аслида «оналарнинг онаси — Ватан». Демак, токи муқаддас Ватан бор экан, мунис ва меҳрибон оналар бор экан, уларни ёвдан ҳимоя қилиш учун, ёмон кўзлардан асраш учун Жалолиддиндек мардлар ҳамиша ва ҳар куни керак.

Бугунги мустақиллигимизни, озод ва обод диёримизни кўз қорачиғидек асровчи, эришган эркимизни тоабад қўлда сақлаб қола билувчи Жалолиддинлар, мардликнинг, жасоратнинг мислсиз садоқату муҳаббатнинг буюк тимсоли бўлган Жалолиддинлар мангу бор бўлсин.

**Гулнора ТЎРАХЎЖАЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 1-курс талабаси**

Tadbir

# АССАЛОМ, 1-КУРС

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг маданият саройида 1-курс талабалари иштирокида «Талабаликка бағишлов» байрам тадбири бўлиб ўтди.

«Ассалом, 1-курс» шиори остида ўтган ушбу тадбирда университет ректори, академик Тўрабек Долимов биринчи курсга қабул қилинган барча талабаларни талабалик бахтига муяссар бўлганликлари билан табриклади.

Тадбирда иштирок этган «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари Муҳаммаджон Умаров ва таниқли санъаткор Зикир Муҳаммаджоновлар талабалар катта ҳаёт йўли томон одимлаётгани ва бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни сабр-тоқат ва матонат билан енгиб ўтиши зарурлигини таъкидладилар.

— Энг зўр, энг шод, энг хушчақчақ ва энг мазмунли давр — талабалик даври, — деди Зикир Муҳаммаджонов. — Шундай экан, бу даврни шод ва қувноқ, энг муҳими, мазмунли ўтказинглар. Токи, бу дамлар ҳаётингиздаги энг эсда қоларли, белгиловчи, билимлар оламининг олтин даври бўлиб қолсин.

Шундан сўнг университет ректори 1-курс талабаларига рамзий калитни ва талабалик гувоҳномасини топширди.

Талабалик қасамёди қабул қилиш барча ўқув юртларида одат тусига кирганлиги барчага маълум. ТошДУ талабалари ҳам Ватанга содиқ бўлишга, яхши ўқишга ва ўзбек халқига сидқидилдан хизмат қилишга, унинг дунёга танилишида ўз ҳиссасини қўшишга қасамёд қилдилар.

Шу куни университетнинг «Шоввозлар» бадиий ҳаваскорлик дастаси аъзоларининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди. Таассуротларга бой ўтган ушбу тадбир талабалар ҳаётида эсда қоларли кунлардан бири бўлиб қолди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**
**ТошДУ журналистика факультети талабаси**

Taqriz

# ЛУҒАТ - САВОДХОНЛИК АСОСИ




Ҳар бир кишига ўз тилидек одатий ва оддий туюладиган ҳеч нарса йўқдек кўринади. Гўёки барчамиз атрофдаги воқеа-ҳодисаларни, нарсаларни ифодалаш учун, равон ва таъсирли сўзлаш учун етарли сўз бойлигига эгамиз, деган фикрдамиз. Аммо ўзимизга нотаниш булган бирор мавзу хусусида гапиришга тўғри келиб қолса, кераклли сўзни тополмай дудуқланиб қолишимиз, табиий. Аслида, она тилимизнинг бениҳоя бойлигини яхши билганимиз ҳолда, ундан тўғри ва унумли фойдаланаётганимиз йўқ. Она тилимизга давлат тили мақоми берилиб, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён эришилган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар, дунё ҳамжамияти билан яқин алоқалар ҳам ўзбек тили луғат таркибининг сезиларли даражада бойишига бир омил бўлди.

Яқиндагина Тўлқин Тоғаев, Гулбаҳор Тавалдиева, Муяссар Акрамова томонидан тайёрланиб, «Шарқ» нашриётида чоп этилган «O'zbek tilining kirill va lotin alifbolaridagi imlo lug'ati» номли китобда ҳам асосий эътибор айнан шундай сўзларга қаратилган. Ўз номидан билиниб турганидек, ушбу луғатда сўзлар икки хил ёзув шаклида: ҳам кириллча, ҳам лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида берилганлиги билан диққатни тортади.

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисидаги қарорлардан сўнг ўзбек тилининг имло қоидалари такомиллаштирилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1—6-синфларида ўқишлар тўлиқ лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида олиб борилмоқда.

Шу ўринда тузувчилар луғатнинг таълимий характерини ҳақли равишда ҳисобга олган ҳолда уни тузишга анча ижодий ёндашганлар. Лотин-ўзбек алифбосида савод чиқаришда айрим чалкашликларга олиб келувчи ўринларни тўлдиришга ҳаракат қилганлар. Чунончи, - illa қўшимчасининг viz, vish, vaq ўзакларига g'urulla, shuvulla сўзларидаги каби - ulla шаклида қўшилмаслигини тўғри фарқлаганлар. Шунингдек, ёзилиши қийин айрим феълларнинг нисбат қўшимчалари билан бирга берилганлиги ҳам, ўқилиши яқин, талаффузи ўхшаш сўзларнинг қавс ичида маънолари кўрсатилган ҳолда келтирилиши ҳам, *баравар-баробар, набира-невара* каби дублет сўзларнинг ўрнига қараб кетма-кет берилиши ҳам лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида савод чиқаришни осонлаштиришига шубҳа йўқ.

Юқорида таъкидлаганимиздек, луғатга бугунги кунда адабий тилимизда «қайта жонланган», унутилаёзган юзлаб сўзлар, халқ жонли тилидан ўзлашаётган соф туркий сўзлар, ўзбек тилига хос хусусиятлар асосида яратилаётган янги сўз ва атамалар киритилганлиги эътиборга моликдир. Хусусан, фан ва техникага хос сўзларнинг кейинги йилларда тилимизга жадал кириб келаётганлиги бу нотаниш сўзларни билиш ва танлаш, сўнгра эса ўринли қўллаш ва тўғри ёзишда муайян қийинчиликлар туғдириши, табиий. Мазкур луғатда бундай атамаларнинг берилиши олинма сўзларни тўғри ёзиш ва ишлатишга имкон яратади. Дунёдаги ҳеч бир тилда товуш ва ҳарфнинг тўла мутаносиблигини ифодаловчи алифбо бўлмаганидек, имло жиҳатдан мукаммалликни таъминловчи қоидалар мажмуи ҳам яратилиши қийин. Шунга кўра, тузувчиларимиз томонидан ёзилиши айрича тавсия этилган қуйидаги баъзи сўзлар имлосини тўғри дейишга асос йўқдек кўринади: конференсье - konferensye, регулятор - regulator, социал-революционер - sotsial-revolutsioner каби.

Ҳар қандай луғат нутқий саводхонликни бирор жиҳатдан мутлақо оширишга хизмат қилади. Айтиш жоизки, мактаб ўқувчилари учун ҳали-ҳанузгача у ёки бу фанга оид на изоҳли, на қиёсий, на қомусий турдаги луғатлар яратилмаган. Масалан, физика фани бўйича шу хилдаги бирор луғат яратилганда эди, ўқувчилар биринчи галда бу сўзнинг маъносини ўзлаштирган, кейин хотирада сақлаган ва ҳатто ёзилиши ва талаффузини ҳам тўғри ўзлаштирган бўлардилар. Луғат орқали ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини орттириш, ўз устида мустақил ишлаш имкониятлари яратилади. Афсуски, ўқитувчиларимиз луғатларнинг бениҳоя кенг имкониятларидан тўла фойдаланишга ўтганларича йўқ. Ушбу луғат шу жиҳатдан ҳам амалий аҳамият касб эта олган.

Она тилимиз тараққиётининг ўзига хос лексик хусусиятларини мужассамлаштира олган ушбу луғат сиёсий-ижтимоий ҳаётда, кундалик фаолиятимизда фаол қўлланаётган сўзларнинг кирилл ва лотин ёзуви асосидаги ёзилишини тарихий-қиёсий аснода ифодалаб бера олган.

**Абдурозиқ РАФИЕВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети кафедра мудири, доцент**

